

## Ватан муқаддас

Жорий йилнинг 16 октябр куни Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети профессор – ўқитувчилари ва талаба- ёшлари ўртасида “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир” мавзусида ўтказилган маърифий учрашув ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлиги фахрийси, заҳирадаги полковник Абубакир.Деҳқонбоев, Мирзо Улуғбек тумани Мудофа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Ш.Суюнов, Мирзо Улуғбек тумани Мудофа ишлари бўлими бошлиғи муовини подполковник А.Тўхтаев ҳамда институт ҳарбий кафедраси Р.Менглишевлар иштирок этишиб “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир” мавзусида маърузалари ва видео роликлари билан факультети профессор – ўқитувчилари ва талаба – ёшларига тушунчалар беришди.

Тадбир сўнгида талаба – ёшлар томонидан берилган саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар.



Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан  
ўринбосари И.Рахимов